



O'zbekiston Nogironlar Assotsiatsiyasi nashri

IMKONIYAT

• Ijtimoiy-siyosiy, huquqiy va madaniy gazeta • t.me/imkoniyyatgazetasi • №5 son (5) • 2024 yil 7 mart • payshanba

8 март – Халқаро хотин-қизлар куну



• Давра суҳбати ИЖТИМОЙ ЛОЙИХАЛАР ТАШАББУСКОРИ

Шу йил 26 февралда ЎзННТМА Фаргона вилоят бўлими томонидан Фаргона шаҳридаги "ННТлар уйи"да "27 февраль – Бутунжаҳон ННТлар куну" муносабати билан "Янги Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик истикболлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ростдан ҳам кейинги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини олиб боришда нафақат республикада, балки вилоятда ўтказилаётган грант танловларида ҳам иштирок этиб, қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш имконига эга бўлдилар. ННТлар фаолиятига оид бўлган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ҳуқуқий улослар бериш мақсадида Ўзбекистон ННТ Миллий ассоциацияси қошида тажрибали мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи ташкил этилган. Улар ННТлар билан бевосита ишлаб, уларнинг ташаббусларини амалга оширишга ёрдам беради.

Давра суҳбатида вилоят ҳокимлиги, Адлия бошқармаси, ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоят Экологик партияси, фаол ННТлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбир давомида ижтимоий долзарб муаммоларни ҳал этишда ННТларнинг иштироки, давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик, ННТлар томонидан амалга оширилган ижтимоий фойдали лойиҳалар ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Худудий бўлима томонидан фаол ва ташаббускор ННТ вакилларига ташаккурномалар ҳамда аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, ОИТСга қарши курашиш маркази, Экологик партия ва Адлия бошқармаси фахрийлари кенгаши Фаргона вилояти бўлими раҳбарлари ҳамкорликда фаоллик кўрсатиб келаётган ННТлар ҳақида ўз фикрларини билдириб, уларга "Фахрий ёрлик" ва эсдалик совғалари топширилди.

Бутунжаҳон ННТлар кунига бағишланган йиғилиш ва давра суҳбатлари мамлакатимизнинг Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Муштарий ТҮЙЧИЕВА.

• Ижтимоий ҳимоя кўлами ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда фаолият юритиб турган Ўзбекистон Карлар жамияти республикадаги айтиш ва нутқда муаммолари бўлган 10 мингдан ортиқ аҳолини биллаштиради. Юртимизда уларга эътибор ва ғамхўрлик етарли даражада. Хусусан, аҳолининг шу қатлами учун кейинги пайтда махсус ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари, ихтисослаштирилган маданий ва спорт комплекслари очилди. Муҳими, бу каби жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳам тараққиётимизга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистонимизнинг ижтимоий давлат деб эълон қилинганидан кейинги даврда биз олиб бораётган ишларимиз мазмун-моҳияти андада ўзгарди. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига алоҳида эътибор билан ёндош бошладик.

Бизнинг Ўзбекистон Карлар жамияти Тошкент вилоят худудий бўлимида айни пайтда 2 мингдан ортиқроқ аъзолари бор. Ўтган 2023 йилда уларнинг 67 нафарига ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 43 нафарига нақд пул шаклида моддий кўмак берилди. Бунинг учун ўтган йил мобайн-да 20 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди.

ЎзКЖ вилоят худудий бўлимига келиб тушган ҳар бир мурожаат эътибор билан ўрганилади. Имкон қадар бу хатларда қўйилган талаблар ижобий ҳал этилади. Биз айниқса, бўлим ва туман, шаҳар бўлинимиз аъзоларининг аҳолидан мунтазам хабардор бўлиб тураемиз. Уларнинг эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга ҳаракат қилаемиз. Шунинг учун энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларидан инсонларнинг ёрдами пакетти ташкил этишимиз. Ўтган йил мобайн-да бўлим ва бўлинималаримиз аъзоларининг 207 нафарига ана шундай пакетлар тақдим этиб келинди. Шунингдек, 240 кишига кийим-кечаклар етказиб берилди.



Бўлим ва бўлинималаримиз ҳодимлари мурожаат қилган фуқароларга ҳуқуқий ёрдамлар ҳам кўрсатиб келмоқдалар. Ўтган йили 6 октябрда вилоят "ННТ ва Дўстлик уйи"да "Очик эшиклар" куну бўлиб ўтди. Бу мулоқотда бўлими ва бўлинималаримиз аъзоларидан 20 нафар киши қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ ҳуқуқий жавоблар олишди. Бу даврда бўлим ва бўлинималаримизнинг 230 нафар аъзоларига таржумонлик хизмати кўрсатилган бўлса, 230 кишига бошқа турдаги меҳрибонлик хизматлари кўрсатилди.

(Давоми 3-бетда).

АЁЛГА ЭЪТИБОР - КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Йилнинг келинчаги ҳисобланган баҳор – соҳибжамол, гўзал хотин-қизларнинг байрами билан бошланишида қандайдир мунасиблик ва мантқ борга ўхшаб кетади. Дунё – дунё бўлиб яралибдики, аёллар ҳурмат ва эъзозда, эътибор марказида бўлиб келган. Чунки, хотин-қизлар нафақат бугунги кунимизнинг мазмуни, балки эртанги кунимиз давомчилари, келажак авлоднинг яратувчиларидир.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куну муқтарам онахонларимиз, мунис аёлларимиз учун алоҳида байрам ҳисобланади. Бу сана дам олиш куну деб эълон қилинган. Бу байрам аёлларга бўлган ғамхўрлик, эътиборнинг бир ифодаси десак, яна ҳам тўғрироқ бўлади. Зеро, жамиятнинг маданият даражаси, маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Жаннат пойида бўлган муътабар оналаримизни эъзозлаш, уларнинг фарзанд тарбияси ва юрт келажаги йўлидаги жонқуриликларини қадрлаш, шунингдек, мунис аёлларимиз ва суякли опа-сингилларимизни ардоқлаш халқимизга хос қадрият саналади. Ушбу баҳор ва гўзаллик байрамини – хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш билан нишонлаш аънаънаси йил сайин умумдавлат аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Бу байрам ҳақида батадсилроқ тўхталадиган бўлсак, Халқаро хотин-қизлар кунининг нишонланishi тарихи 1908 йилга бориб тақалади. Шу йили Нью-Йорк шаҳрида 15 минг аёл хотин-қизларга яхшироқ маош тўлаш, қисқа иш куну ташкил этиш ва овоз бериш ҳуқуқини талаб қилиб намойиш ўтказишган эди. Бу намойишлардан бир йил ўтиб Америка социалистик партияси биринчи марта миллий аёллар куну санасини эълон қилади.

Халқаро миқёсда хотин-қизлар санасини нишонлаш таклифини 1910 йилда аёллар ҳуқуқлари фаоли Клара Цеткин берган эди. У Копенгагенда бўлиб ўтган Халқаро аёллар конференциясида шундай таклиф киритди ва 17 давлатдан вакил бўлган 100 нафар фаол аёл Клара Цеткиннинг таклифини маъқуллади.

Шундай қилиб Халқаро аёллар куну 1911 йилда биринчи марта Австрия, Дания, Германия ва Швейцарияда нишонланади. БМТ томонидан эса халқаро миқёсда расмий сана сифатида 1975 йилга келибгина эътибор этилади. 1996 йилдан бошлаб ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами алоҳида битта шир билан нишонлана бошлади. Уша йилги шир "Ўтмишнинг нишонлаш ва келажакни режалаштириш" деб номланган эди.

Халқаро хотин-қизлар куну шу пайтгача аёлларимизнинг жамиятда, сиёсат ва иқтисодда қандай ютуқларга эришганини байрам қилиш санасига айланади. Шу билан бирга, ҳали-ҳануз сақланиб турган улар билан боғлиқ муаммоларни яна бир бор эслатиш ва эъдан чикармаслик, унга қиёслаган ҳолда янги ҳаётни қадрлаш ва янада кўркам қилиш учун ҳам бу сана алоҳида қадр-қиммат касб этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

• Инсон қадри эъзозда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ - ДАВЛАТИМИЗ ЗИММАСИДА

Мамлакатимизда кейинги пайтларда амалга оширилган туб ислохотлар, янгиликлар ва ўзгаришлар Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган аҳоли барча қатламларнинг ҳаётига жиддий ўзгаришлар ясамоқда. Айниқса, Асосий қонунимиз – Конституциянинг янгилашганини ана шундай ўзгаришларнинг энг муҳимларидан бири бўлиб қолди.

Янги тахирдаги Конституция мамлакатимизда яшаб турган аҳолининг эҳтиёманд қатлами, айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳаётига ўзгача мазмун ва кўт-баракка олиб кирди. Шуну яна таъкидлаб ўтиш керакки, ногиронлик атамаси илгариги Конституцияимизнинг бирор жойида тилга олинмаган экан. Янги тахирдаги Конституцияда ногиронлиги бўлганларни қўллаб-қувватлаш борасида бир неча алоҳида моддалар киритилди. Бу билан меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқларини давлат ўз ҳимоясига олди.

Яна ҳам эътиборга сазовор янгиликлардан бири шу бўлдики, Конституциянинг 1-моддасидаёқ Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди. Шундан кейин ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларни ва манфаатларни сўзсиз таъминлаш борасида амалий ишлар қилина бошланди. Аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини ошириш, энг муҳими мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мулкано янги бошқарув тизимини жорий этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ягона давлат сибёсатини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ -176-сонли қарори ҳамда "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини



йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-82-сонли Фармони қабул қилинди. Ана шу меърий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Биз учун барчасидан эътиборлиси шундан иборатки, эҳтиёмандлар ва ногиронлиги бўлган инсонлар учун амалга оширилаётган имтиёзлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Яқинда, шу йилнинг 20 февралда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор

вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Мен ушбу йиғилишда ногиронлиги бўлган инсонларга яратилаётган қўлайликлар борасида айтилган сўзларни эшитиб роса қувондим. Бу сингари ишлар айнан ҳурматли Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Президентимиз ногиронлиги бўлган ҳолда тадбиркорлик ишлари билан шуғулланаётган ва ҳатто солпа-соғ ҳамюртларимизни ҳам иш билан банд этаётган инсонларнинг ишларини чинакам ҳақрамонлик деб атагани менда гоёт катта ҳис-ҳаяжон уйғотди.

Ушбу йиғилишда аҳолининг эҳтиёманд қатламига ва ногиронлиги бўлган инсонларга хизмат кўрсатиш ишларидаги қамчиликлар ошқора танқит қилинди. Ростдан ҳам мамлакатимизда, айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларга, аҳолининг бошқа эҳтиёманд қатламига яратилаётган шарт-шароитлар халқаро даражада кўтарилибди. Бу борада, дастлаб ўндан ортиқ давлатнинг тажрибаси чуқур ўрганилди, ишга малакалик экспертлар жалб қилинди.

Ижтимоий хизматлар, ҳақиқатан 30 йил олдинги ҳолида қилиб кетган эди. Муҳтож инсонларга фақат давлат ақратган пул тарқатиб берилган, ҳолос. Ёрдам олувчилар ўзига хос боқиманда, ёрдамни кутиб турувчиларга айлана қолган эди. Бу каби кўмак эҳтиёмандларни ўзини ўнглаб олишга эмас, ёрдам кутиб яшашга ўргатиб қўйгани бор гап эди.

(Давоми 2-бетда).

• Ҳаяжонли учрашувлар

ҚАЛБЛАРГА ЗАВҚ УЛАШИБ...

Конституция янгиланди. Янги тахирдаги Бахтимиз қомусида Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Муҳими, Конституцияимизга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш бўйича қатор моддалар киритилди. Аникроқ айтадиган бўлсак, ногиронлиги бўлган инсонларга қўллаб имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилди.

Бу ҳуқуқлардан бизнинг Ўзбекистон Кўзи оғизлар жамияти (КОЖ) аъзолари ҳам тўла фойдаланиши мумкин. Шуну айтиш керакки, Кўзи оғизлар жамияти Ўзбекистонда энг биринчи бўлиб ташкил қилинган нодавлат ташкилотларидан бири ҳисобланади. 2022 йили ЎзКОЖ ўзининг 90 йиллигини нишонлади. Ушбу жамият аҳолининг муайян қатлами турмуш тарзини иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожлантириш, кўзи оғизларнинг ҳуқуқла-


рини ҳимоя қилиш, таълим, маданият соҳаларида мутахассислар тайёрлаш, дам олиш ва даволашни тўри йўлга қўйиш борасида гоёт муҳим ишларни амалга оширди. Ушбу жамият қошида ишлаб чиқариш корхоналари, кутубхоналар, мактаблар ва маданий муассасалар ташкил этилди. Кўзи оғизларнинг ижтимоий-сиёсий воқеалардан воқиф этиш, бадий тафаккурини юксалтириш мақсадида 1947 йилда Брайль ёзувида китоб чоп этадиган босмаҳона қурилди.

Ўзбекистон Кўзи оғизлар жамияти Тошкент вилоят худудий бўлими ижтимоий хизмат кўрсатувчи тажрибали ташкилотлардан бирига айланди. Унинг аъзолари сони ҳозирги пайтда 2236 нафарни ташкил этади. Унинг 19 та маҳаллий бўлинималари мавжуд.

(Давоми 3-бетда).



Кейинги йиллардаги фаолиятимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, шуну айтиш керакки, бизнинг бу даврда аҳолининг эҳтиёманд қатламларини, кам таъминланганларни, яқка-ёлғизлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сибёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, ўтган йили Асосий қонунимиз -



Табиатнинг буюк неъматидир аёл, Тилсимли дунёнинг ҳикмати аёл.

АЁЛГА ЭЪТИБОР - КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда, айниқса мустақилликка эришганимиздан кейин, ўтган йиллар давомида оила ва аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва барқарор этиш борасида амалга оширилган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бериб келди. Давлатимиз хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш янги таҳрирдаги Конституциянинг 58-моддасида мустақамлаб кўйди. Бу эса ижтимоий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади.

Халқ фаровонлиги, жамият тинчлиги ҳамда иқтисодий барқарорликда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлиги муҳим ўрин тутганини эътиборга олак, гендер тенглигини таъминлаш эътиборининг давлат зиммасига юклатилиши барқарор ривожланишнинг зарур талабидир.

Бу сингари ҳуқуқ ва имтиёзлар хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, қонунлар ва турли муҳим қарорларни қабул қилишда уларнинг иштирокини янада кенгайтириш имкониятини беради. Бундан ташқари, таълим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик, ижод, маданият соҳаларида гендер тенглик таъминлигини хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширади.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз олий таълим олиб, турли соҳалардаги мутахассисликларни эгаллаб халқ хўжалигининг барча жабхаларида эркаклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Айни вақтда хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, саноятда 38 фоизни, тадбиркорликда 35 фоизни, олий таълимда 46 фоизни ташкил этиши ҳам уларнинг соҳалар ривожланишига алоқадорлиги аниқланади.



Жидаги эгаллаган муносиб ўрнидан далолатдир.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 58-моддаси мантиқий давоми сифатида "Ўзбекистон - 2030" стратегиясининг 25-бандида ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Натيجадан, 2030 йилга қадар бошқарув лавозимларида ишловчи хотин-қизлар

улуши камида 30 фоизни ташкил этиши таъминланади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда алоҳида ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга инклюзив таълим бериш, уларни олий таълим муассасаларида ўқишлари учун шaroит ҳозирлаш, уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар бериш,

кредитга олаётган уйларнинг дастлабки бадалларини тўлаб бериш, имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредитлар бериш каби инсонпарвар сиёсат амалга оширилмоқда.

Хар бир миллатнинг болалари тарбияси, асосан аёллар қўлидадир. Шунинг билан олаётган аёлларнинг билим ва салоҳиятига эга бўлиши ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, илмий-маданий камолотини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам элимизнинг "Бир киз болани ўқитиш - бутун миллатни ўқитиш билан баробар", деган қанотли ибораси бежиз банд парвоз этмайди. Шу боис, Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг таълим олишлари, илм-фан билан шуғулланишлари учун шaroит яратиш давлатнинг алоҳида вазифасига айланган. Биргина 2022 йилда олий ўқув юртига қабул қилинган талабаларнинг 49,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этган эди.

2017 йилга қадар олий таълим муассасаларида грант ўринлари сони фақат қисқариб келди. Сўнгги беш йил ичида, аксинча, грантларни кўпайтириш йўлидан борилди. Хусусан, ўтган даврда олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони 75 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони икки бараварга оширилди, нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти ажратилган амалиёти йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, онамиз, оламиз, синглимиз ва ҳарқандай жигарғушимиз бўлган фикрлар ва жисмонан соғлом аёлга жамиятга муносиб фарзандларни тарбиялашга, бу билан тараққиётга ўз хиссасини қўшишга қодир. Шу маънода хотин-қизларга бўлган эътибор келажакка бўлган эътибор билан чамбарас бопгани кетади.

Айёмингиз муборак бўлсин, азиз ва мўътабар онажонлар, қадри ола-сингиллар!

Умида ЗИЯЕВА,
Тошкент Давлат иқтисодий университетининг Ёшлар масъулари бўйича маънавий-маърифий ишлар департаменти ходими.

• Инклюзив таълим ҲУНАР ЎРГАНИШ УЧУН ГРАНТЛАР

Ногиронлиги бўлган инсонларни турли касб ва ҳунарларга ўқитиш билан уларнинг турмуш тарзида муҳим ўзгаришлар яшаш мумкин бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"сининг "Таълим" деб аталган бобидаги 24-моддада: "Ногиронлар камситилмасдан ва бошқалар билан тенг равишда олий



таълим, касбий таълим, катталар учун таълим олиш ва бутун ҳаётлари давомида ўқитиш имкониятларига эга бўлишларини" таъминлаш таъкидланган.

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат ношароит ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди 2023 йилда "Ногиронлиги бўлган ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида касб-ҳунарга ўргатиш ва спорт тўғрисидаги таълим ва шaroит яратиш" мавзусида эълон қилган 3-очик грант танловига ЎзНЖ Бухоро туман бўлинмаси иштирок этиб, 60 млн. сўм грант маблағини қўлга киритган эди.

Бу маблағлар эвазига Бухоро туманида истикомат қилувчи ҳунарманд ногиронлиги бўлган ёшлардан 30 нафари мономарказларда ўқитилди ва уларга сертификатлар берилди.

ЎзНЖнинг Бухоро туман бўлинмаси мономарказда таълим олган бу ёшларни уй шароитида доимий иш билан таъминлаш мақсадида уларни ҳунармандчилик жараёнини ташкил этиш учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаб келмоқда.

Бу сингари таъбирлар ногиронлиги бўлган инсонларнинг уй шароитида бирмунча мукамал, бадий тафаккур акс этган ва харидориги товарлар ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирмоқда.



Содиқ НОСИРОВ.

• Қулайлик ва имтиёзлар ТЎСИҚСИЗ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯРАТИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2024 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-20-сонли қарори мамлакатимизда туризм инфратузилмасида тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва ҳақон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг туризм инфратузилмаси ва маданий мерос объектларида эркин ҳаракатланиши учун зарур шароитларни таъминлаш ҳамда туризмда барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратиш борасидаги муҳим тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди.

Бу муҳим ҳужжатда кўзда тутилгани сингари эндиликда туристик индустрия объектлари, маданият ташкилотлари ва маданий мерос объектлари, шу жумладан, музей, театр ва жойлаштириш воситаларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бемалол ҳаракатланиши учун зарур шароитлар яратилди.

Жорий йилнинг бошидан бошлаб ногиронлиги бўлганлар фуқароларнинг маданий мерос объектларида тўсиқсиз ҳаракатланишлари учун уларга пандус, плинтус ва лифтлар ҳамда кузи оқизлар учун маданий мерос объектларининг кирайтирилган улфамдаги макетлари ўрнатилди, Брайль алифбоси жойлаштирилди.

Шунингдек, айрим меҳмонхоналарнинг камида учта хонаси ногиронлиги бўлган шахслар ўриндиқли аравачадан фойдаланиши учун қўлай тарзда жиҳозланади ҳамда уларнинг эшитиши ва кўриши учун дисплей ҳамда овозли қурilmalar ўрнатилди.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уларга саҳбат учун қўлай шароитлар яратиш бўйича тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. 2027 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 1000 нафар шахсга Ўзбекистон бўйлаб саҳбат қилиш жаражатларининг 50 фоизи, бироқ 500 миң сўмдан ошмаган қисми, эшитиш қобилиятини йўқотган ногиронлиги бўлган шахслар учун сурдоидилар тайёрлаш курслари ҳаражатларининг 50 фоизи қўллаб берилди.

Амаль СОЛИЕВА.

• Ҳажжонли учрашувлар

ҚАЛЬЛАРГА ЗАВҚ УЛАШИБ...

Ҳажжонли учрашувлар, уларга эсдалик совғалари ва пул мукофотлари тақдим этилди.

Ўтган йилнинг октябр ойида Ўзбекистон Кўзи оқизлар Марказий кутубхонасида ЎзКОЖ Марказий бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тасдиқланган Низомга асосан "Ёш дастурчилар" номли кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди. Кўриктанловга У. Маматхонов, М. Ғиёсов, А. Салиев ҳақамлик қилдилар. Тадбирда 7 нафар беллашувчи иштирок этди. Биринчи ўринни Шаҳзод Хасанов, иккинчи ўринни Фазлиддин Ғуломхонов, учинчи ўринни Хамидулло Муродуллов эгалладилар. Ҳажжонли учрашувлар, уларга эсдалик совғалари ва пул мукофотлари тақдим этилди.



Утган йилнинг 16 декабрь куни ЎзКОЖ Тошкент вилояти ҳудудий бўлимининг 85 йиллиги юбилейи нишонланди. Тадбирда ЎзКОЖнинг 19 та шаҳар, туман раислари, ҳар бир тумандан 3 нафардан бўлима аъзолари иштирок этдилар. Тадбирга Тошкент вилоят ҳокимлиги, ЎзКОЖ Марказий бошқаруви вакиллари, ижтимоий таъминот соҳаси ходимлари тақлиф қилинди.

Утган даврлар эса олинди, тадбир ўзига хос "Хотира кечаси"га айланиб кетди. Унда тифломузей директори Дилмурод Султонов сўз олиб жамиятнинг биринчи фаоллари, улар амалга оширган ишлар ҳақида сўз юритди. Хотира кечасида жамиятни узоқ йиллар бошқарган раҳбар К. Примкулов ёдга олинди, унинг Кўзи оқиз-

йил давомида ҳомийлар билан ҳамкорликда шаҳар, туман бўлималарига озиқ-овқат, кийим-кечак, яхна ичимликлар, болалар учун мактаб қуроллари, ўйинчоқлар ҳамда гигиеник воситалар тарқатиб келди.

Жорий йилнинг 11 январь куни ЎзКОЖ Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан шаҳар, туман бўлинмаси раислари ва ҳокимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари ташкил топганлигининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Мардлар кўриқлабди Ватани» номли тадбир ўтказилди.

Турли бадий кечалар ЎзКОЖ аъзолари учун битмас-туганмас завқ-шавқ манбаи бўлиб қолади. Жамиятимизнинг Тошкент вилоят кутубхонаси билан ҳамкорликда шу йил 7 февраль куни "Санъат гулшани" МЧЖда Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллуудининг 583 йиллиги ҳамда "Боғбурийлар" сулоласи асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 541 йиллиги муносабати билан "Буюк сиймолар ёди" номли адабий кеча ўтказилди.

Адабий кечга "Муқимий" номидаги мусиқали драма театри актери О. Ҳақбердиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданий ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар ҳамда Журналистлар уюшмалари аъзоси, Миллий мақом санъати қошидаги "Устоз-шоғирд" мактабининг устози Н. Аминхонов, А. Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди А. Тилавов ва ЎзКОЖ вилоят ҳудудий бўлим ва бўлималарининг раислари, бўлимимизнинг адабиёт ва санъатга ихлосманд бўлган аъзолари ташириф буурдилар. Тадбир бошида адабиётшунос олим А. Тилавов А. Навоий ижоди ва унинг бой адабий мероси ҳақида мушоҳада юритди. Санъаткор О. Ҳақбердиев Навоий газалини куйга солиб кўшиқ қуйлади. ЎзКОЖнинг вилоят ҳудудий бўлими ва туман бўлималаридан ташириф буурган истеъдодли ёшлар буюк сиймоларимиз қаламига мансуб шеър ва ғазаллари асосидаги кўшиқларни ижро этдилар.

Визининг режалар жадвалимиз жуда кенг ва хилма-хил. Ҳар бир мулоқотимиз ЎзКОЖ аъзоларида бир олам қувонч ва ҳаётга иштиёқ беради. ЎзКОЖ вилоят ҳудудий бўлимининг саяёҳат харажатлари, барча ташкилий ишлари барчани бугунги ҳаётдан завқ олишга ва клажа сари дадил қадам ташлашга ундайди. Ижтимоиятдан фойдаланиб, юртимиздаги барча мунис онажонлару опа-сингилларимизни 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этаман.

Замира РАҲИМОВА,
ЎзКОЖ Тошкент вилоят ҳудудий бўлими раиси.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси вакили ҳамда Ўзбекистон Кўзи оқизлар жамияти Марказий бошқаруви тифломузейи мудир Дилмурод Султонов сўз олиб, ўтказилган референдум бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон ННТ Миллий ассоциацияси Тошкент вилояти бўлинмаси бошлиғи Иброҳим Холматов тадбирда сўзга чиқиб янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган янгиликлар, ногиронлиги бўлганлар учун яратилган имкониятлар ҳақида гапирди.

Айниқса, ЎзКОЖ аъзоси Фазлиддин Ғуломхонов "Янги Ўзбекистон" кўшиги билан, шунингдек, ҳаваскор хонандалар Азизхон Ойтураев, Хошимжон Нурматов, Зокирилло Бердибоев ўз кўшиқлари билан тадбирга кўтаринки руҳ бахш этдилар. Тадбирда ННТ Миллий ассоциацияси Тошкент вилоят бўлинмаси томонидан референдум катнашчиларига Конституция белгиси туширилган футболга ва кепкалар тарқатилди. Тадбир қўлиб ватанпарварлик туйғуларини билан бой, кўтаринки руҳда ўтди.

Бизнинг ЎзКОЖ аъзоларини турли-туман қизикарли тадбирлар биллаштиради. Шу баҳонада учрашамиз, фикр алмашамиз. Амалга ошираётган хайрли ишларимиз ҳақидаги хушхабарлар билан ўртоқлашамиз. Ўтган йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Кўзи оқизлар жамиятининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими томонидан Тошкент шаҳар, туманлардаги кўриш бўйича муаммолари бўлган ҳамда ёш оилалар ўртасида "Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи" кўрик-танлови ташкил этилди. Тадбирда кўриш бўйича ногиронлиги бўлган 5 та оиланинг 10 нафар вакиллари иштирок этдилар. Кўрик-танлов белгиланган низом асосида ўтказилди.

Тадбирда иштирокчилар салоҳияти ҳайъат расиси Республика Манавият-маърифат маркази Зангиота туман бўлинмаси раҳбари Ш. Бобонова, Ўзбекистон мусулмонлар идораси хотин-қизлар масалалари бўлими етакчи мутахассиси М. Абубакирова, Хотин-қизлар қўмитасида етакчи мутахассис Х. Хамраева, Мақомчилик ансамбли яққохон хонандаси Н. Шаробов томонидан одил баҳолаб борилди. Танловда



• Ижтимоий ҳимоя қўлами

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бизга кўпинча уй-жойларни хорижий таъмирлаш ва уй олиш борасида мурожаат қиладилар. Бу ногиронлиги бўлган шахслар учун жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Шу боис, уй-жой олиш ва уй шароитини яхшилаш борасидаги ёрдамларимизнинг пайсалга солинмаган ҳолда ҳал этилишига ҳаражат қиламиз. Масалан, "Чирчиқ шаҳрида яшовчи Ойбек Деҳқоннинг уй олиши учун Ипотека кредитининг мезонлари, тамойиллари ва шартлари ҳақида банк ходимлари томонидан сурдотаржимон иштирокида маълумот



олиб беришга эришдик. Шу шаҳарда яшовчи бўлимимизнинг яна бир аъзосини уй-жой мероси боши берк кўчага кириб қолгани маълум бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этиб унинг уйдан ўз қонуний тегиши олиб берилди. Оққўрғон туманида яшовчи Абдор Ибрагимовнинг уй-жой масаласи билан шуғулландик. Оққўрғон туман ҳокимлиги бир ой мобайлида икки хона уй солиб беришни ваъда қилди.

Вилоят ҳудудий бўлимимиз аъзоларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш борасида узоқни кўзлаган ҳолда ташкилий ишлар олиб борамиз. Вилоятнинг Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди ва бугунги кунда ишисизлик масаласи атрофида кўриб чиқилди. Паркент туманида ишисиз аёлларни иш билан банд қилиш бўйича алоҳида шуғулландик. Тумандаги йирик тўқувчилик цехи бўлимимиз аъзоларига 15 та иш ўрни ажратиб берди. Ҳозирнинг ўзида бу корхонага бўлимимиз аъзоларидан 3 нафарини ишга жойлаштирдик.

Вилоятимизда истикомат қиладиган эшитиш тизимида муаммоси бўлган инсонларни ҳар йили туманларда Тиббиёт бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорлик олиб борган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўриқлардан ўтказмоқдамиз. Уларнинг баъзиларини саломатлигига мос келадиган санаторийларга йўлланмалар билан таъминламоқдамиз.

Вилоят ҳудудий бўлими ва туман, шаҳар бўлинмаси аъзоларини кўпинча унутилмас сана ва байрамларда бир жойга тўплаймиз. Улар учун байрам дастурхонлари ёзиш одат тусига кирган.



Бундай кўнгилли мулоқотлар бўлим ва бўлинмаси аъзоларининг бир-бирлари билан дўстлашиб, тез-тез учрашиб, буш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун айни мuddа бўлмоқда.

ЎзКОЖ Тошкент вилояти ҳудудий бўлими кўплаб тадбиркорлар ва турли нодавлат ношароит ташкилотлари билан бўлимимиз аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш ва ҳомийлик ишлари борасида мулоқот олиб боради. Бундай ҳомийлик натижалари эшитиш соҳасида муаммолари бўлган инсонларга ҳар томонлама кўмак бериш ва уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун хизмат қилмоқда. Шу ўринда, жаҳон Ўзбекистонимизда истикомат қиладиган муҳтарам онажон хотин-қизларни нафис буюқ, муҳаббат, гўзаллик, лафот ва меҳр раъми бўлган 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан табриклайман.

Зулхумор ЯКУБОВА,
Ўзбекистон Карлар жамияти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими раиси.



● Марказ фаолияти

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУХОФАЗАСИ — УСТУВОР МАСАЛА

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда миллат генофондини яхшилаш, аҳоли тиббий маданияти ва узок умр кўриш даражасини ошириш, соғлом бола туғилиши ва бола тарбияси учун шарт-шароитлар яратишга оид давлат дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, бугун улар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Президентимиз Ш. Мирзиёев айтганидек, "Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолтини ўйлаб, ҳаммиса эзгу орзу-интишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди".

Айтиш жоизки, сўнги 5 йил мобайнида юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, оналар ва болалар ўлимининг камайишига эришилди.

Ҳомиладорларни бола етилиш мuddатига даволаш, шунингдек, кўрсатма бўйича туғдириш ҳамда кисер-кесиш жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади. Кисер-кесиш амалиётидан сўнг 2-3 кун даволанган бемор бошқа бўлимларга ўтказилади. Жамоамизда 11 нафар анестезиолог-реаниматологлар, 46 нафар ўрта тиббий ходимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Айтиш жоизки, анестезиолог-реаниматологлар учун 5 та вакансиямиз бўш бўлгани боис, юклама билан ишлашимизга тўғри келмоқда. Эътиборли томони, марказимизда дори-дармон таъминоти анча яхшиланди.

Ортиқўжаева Муаттар Ризаевна, "Иккинчи акушерлик болалар бўлими" мудири:

— Бўлимимиз 38 ўринли бўлиб, унда 2 нафар неонатолог, 4 нафар акушер-гинеколог ва бир қанча ҳамшира ва доялар навбатчилик асосида хизмат кўрсатадилар. Бўлимга асосан физиологик торг, кисер-кесиш билан туғилган соғлом чақалоқлар ўтказилади. Бу чақалоқлар бу ерда тўлиқ кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилади. Шу боис, соҳада уларга профилактик эмловлар, аудиоскренинг (эшитиши) ўтказилиб, шил касаллигига қон олинади. Агар чақалоқ соғлом бўлиб, кўкракни яхши эмса, қусмас, нажас ва пешоби нормада бўлса, уйга жавоб берилди.

Паргиева Саодат, навбатчи ҳамшира:

— Мен ҳам иккинчи акушерлик чақалоқлар бўлимида ўз вазифам бўйича иш олиб бораман. Яъни, ўз вақтида ишга келиб, навбатчиликни қабул қилиб оламан. Чақалоқларни бирма-бир кўриб чиқаман. Уларни 20 соат мобайнида оналари билан бирга бўлишни таъминлаб бераман. Шунингдек, шифокорларнинг буюргон курсатмаларини ўз вақтида бажариб бораман.

Зарипова Зиёда, ёш она, 1999 йилда туғилган:

— Мен Перинатал марказида биринчи фарзандимни дунёга келтирдим. Мухими, болам соғлом туғилди. Шифокор ва ҳамширалар барча беморлар қатори менга ва чақалоғимга жуда эътиборли, яхши парвариш қилишяпти. Бу ерда ҳамма шароитларнинг борлиги, айниқса, қиш кунларида хоналарнинг иссиқлигидан мамнунмиз ва улардан миннатдорман.

Аслида, муҳими ҳам шу. Қайси касб эгаси бўлмасин, ўз ишига масъулият ва муҳаббат билан ёндошса, аҳоли ҳам, халқ ҳам ундан миннатдор бўлади. Шу боис ушбу марказнинг маслаҳатхонаси шаҳар бўйича оилавий поликлиникалар томонидан юборилган кўп сонли аёллар ҳомиладорлигининг муваффақиятли яқунлишига малакали ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимизда бу борада мустахкам ҳуқуқий асослар мавжуд экан, юрт ва миллат тақдирига дахлдор бўлган — соғлом оиланинг дунёга келиши масаласи доимо ҳукуматимиз эътиборидадир.

Марям АХМЕДОВА.



Рақамларга кўра, кейинги 3 йил ичида 960 мингдан зиёд чақалоқлар ва 1 млн. 400 мингдан зиёд ҳомиладор аёллар скрининг текширувларидан ўтказилди. Замонавий ультратовуш, биометривий усуллар ва текширувлар натижасида сўнги икки ярим йил ичида 35 мингга яқин нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиниши соҳада олиб борилаётган кенг-қамровли ишлар натижасидир.

Ана шундай эзгу йўлда хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Перинатал маркази Республикаимизда энг катта туғруқ муассасаларидан ҳисобланади. 16 та бўлимдан иборат 265 ўринга эга ушбу марказда ҳар йили 15 мингдан зиёд аёллар довланиб, 6 мингга яқин туғруқлар қабул қилинади.

Шунингдек, марказда оғир экстрагенитал, юрак қон-томир, жигар, ўпка, буйрак етишмовчилиги, ҳомиладорлиги оғир преэклампсияси асоратлари ҳамда мuddатидан олдин туғувчи аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатилади.

Ўтган 2022 йилда шаҳар бўйича юрак қон-томир хасталиклари билан туққан аёлларнинг 70 фоизи, туғилган чақалоқларнинг 40 фоизининг перинатал марказида дунёга келтирилгани бунга аққол мисолдир.

Машарипов Шавкат Ҳасанович, реанимация бўлими мудири:

— Бизнинг бўлим 12 койкага мўлжалланган бўлиб, 24 нафарга беморларни қабул қилиш имкониятимиз мавжуд. Бўлимда юрак нуқсонлари, жигар, буйрак етишмовчилиги, қон босими юқори, боласи етилмай қолган

● Санъат оламига саёҳат

САМИМИЙ КУЛГУГА ИШТИЁҚ

Хувайдо Бухордан ота-онанинг дуосини олиб Тошкентга келди. Аслида оиладагилар унинг шифокорликка, Бухорнинг ўзида ўқишни маъқул кўра эдилар. Аммо болаликдан мактабдаги байрамларнинг юздуси бўлиб келади, ўқиган шеърлари билан даврани жаранглатиб юборадиган бу қизалокнинг қалбини санъат ошфута этган эди. Нима бўлса ҳам онаси орқали отасини кўндириб, санъат сирларини эгаллаш учун пойтахтга йўл олди.



Хамма олийгоҳларда имтиҳонлар августдан бошлана, ўша вақтда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида ижодий имтиҳонлар борлиги сабабли июнь ойининг дастлабки кунларидан-юқ бошланиб кетарди.

Катта аудитория. Бу ижодий имтиҳонларни топшириш учун санъат сарчасининг бошида турган, таниқли ижодкор педагоглар олдида довлариб қолиш ҳеч гап эмас. Аммо бугунги абитуриент мана шу ўқитувчиларни олдида калавасининг учини йўқотиб қўймай, уларни лол этиши зарур эди. Имтиҳонлар ошқора ўтар, имтиҳон топширувчини барча институтга киришга талабгорлар кузатар эди. Ушанда саҳнага Хувайдо чиққанида бир-бирлари билан гаплашиб, чуғур-чуғур қилаётган бўлгуси талабалар бир зум тин олиб, қўлоқ тутган эдилар. Ниҳоят, даврада кўлгу кўтарилган эди. Хувайдо стол атрофида ўтирган имтиҳон олаётган ўқитувчиларни ҳам,

кузатиб турган абитуриентларни ҳам лол қолдирилган эди. Шундай қилиб, Хувайдо ўзи чин дилдан хоҳлаган олийгоҳнинг "Драма ва кино" факультети талабаси бўлди.

Ўқишлар бошланиб кетди. Курсдошлари анча маҳалгача Хувайдонинг ижодий имтиҳонда устозларини қулдириб, қойил қилганини айтиб юришди. Дастлабки, курсларида тенгдошлари турли кўрсатув ва съёмкаларга боришарди. Хувайдо эса ўқиб билан бирга ҳозирча иш топишни ўйларди. Чунки уйдан оладиган оғина пул унинг учун етарли бўлмас, қолаверса, у ота-онасини қийнагани ҳам келмас эди.

Вақти келиб Хувайдонинг амалиётини ўташ учун театрларга йўллашди. Бир кунги устози, курс раҳбари Мунаввара Абдуллаева Хувайдонинг институтнинг амалиёт хонасида машқ қилаётганини кўриб, "Қизим, сенинг қобилиятингга муносиб бир тақлифим бор" деб қолди. Чунки, мазкур институт ва унинг ўқитувчилари билан театр жамоасининг доимий алоқаси бўлади. Театрлар ҳеч бўлмаганда оммавий саҳналарга устозлар назарига тушган талабаларни олиб кетади. Хуллас, устоз унга "Сатира театрига ўриндош бўлиб ишга қатнаб туриш"ни так-



лиф қилди. Хувайдо бу тақлифдан севиниб, эрта-сизгаёқ келишилган жойга етиб борди.

Мана шу тақлиф ёш актёр ҳаётини ўзгача изга солиб юборди. У сатирик йўналишдаги актёр бўлиб шаклланишига имкон пайдо бўлди. Бу театр ёш ижодкор учун иккинчи мактаб вазифасини ўтайди. Чунки, ижод оламига астойдил иштиёқ билан ёндошадиган Хувайдо ўриндош сифатида ишласи билан театр жамоаси билан чиқишиб кетди. Бу даргоҳдаги таниқли ва истеъдодли санъаткорлар Хувайдодаги имконият ва фазилатларни кузатишар экан, уни мазкур театрда доимий ишда қолдириш тақлиф этишди. Уша-ўша, 2007 йилнинг ёз ойларидан буюн шу кунгача Х.Жумаева мазкур театр жамоасининг жонқуяр аъзоси бўлиб келмоқда.

Одатда томошабинларнинг қалбида барча артистларга бир олам иштиёқ бўлса ҳажв оламига яқин актёрларга алоҳида бир олам интилиш бўлади. Оддийроқ қилиб айтганда, даврани қулдира оладиган санъаткор ҳар доим сирли олам сифатида қабул этилади ва эъзозланади. Чунки, томошабинга бир зум самимий кулгу бахш этиш ҳарқандай актёрга ҳам насиб этавермайди. Бугунги кунда Хувайдо Жумаева ҳам ана шундай эъзозга лойиқ бўлиш учун анчагина ижодий иш қилди.

Ростдан ҳам, ҳозирги кунда, айниқса, қизикчилик, аския соҳасини маромига етказадиган аёллар санокли. Хувайдо Жумаева эса ана шу сарқизикчи аёллар қаторида. У "Шўрданак", "Қалпоқ", "Бумеранг" ҳажвий кўрсатувларга тақлиф этилиб,



Тахрир ҳайъати: Аҳмад Икромов, Озодбек Назарбеков, Акмал Саидов, Ойбек Исоқов, Жамшид Обрўев, Светлана Ортиқова, Камолиддин Ишанхўжаев, Усмон Азим, Рашид Раупов, Тўраҳўжа Эрхўжаев.

● Элга хизмат – олий Ҳиммат КҮЙ-ҚҮШИҚЛАР ҚАНОТИДА

Ҳар бир инсон мамлакатнинг қайси бир чеккасида яшамасин, у ўзининг иштиёқ ва гайрат билан қилган меҳнатидан кейин дам олиш ҳуқуқига ҳам эга. Агар ана шу ҳордиқ маданий савияда бўлса бу – ҳар бир фуқарога дам олиш билан биргаликда бир олам завқ олиш имконини ҳам беради. Ҳаёт тарзимизни ана шундай кўнгилли тарзда ташкил этишда жойлардаги маданият бўлимларининг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Масалан, Бухоро вилояти Шофиркон туманида Маданият бўлимига қарашли 5 та маданият марказлари, "Халқ" мақомига эга 6 та – "Вардонзе" фольклор этнографик халқ жамоаси, "Халқ" театри, "Кувноқ лаҳзалар" ширк ҳаваскорлик халқ жамоаси, "Бинафша" ашула ва рақс халқ жамоаси, "Ёш актёрлар" халқ ҳаваскорлик жамоаси, Мақом халқ ҳаваскорлик жамоаси, "Парвоз" ўсмирлар бадий ижодий жамоаси фаолият кўрсатиб турибди. Шунингдек, туманда иккита 3- ва 9-сон Болалар мусика ва санъат мактаблари бор.

Маданият марказларида жами 17 та ҳаваскорлик тўғарақлари ишлаб турибди. Уларнинг 9 таси пуллик, 8 таси жамоатчилик асосида фаолият юритади. Айни кунларда ушбу тўғарақларга жами 348 нафар ҳаваскорлар иштирок этиб келмоқдалар. Тўғарак иштирокчиларининг 281 нафари ёшлардан иборат.

Туманда ҳаваскорлик ҳаракати ривож топа бургани сари жамоат жойлари, корхоналар, мактаб ва бошқа ўқув масканларда ўтказиладиган тадбирлар савияси, уларнинг мусика ва турли бадий чиқишлар билан безатилгани учун бадий жиҳатдан юқори натижаларга эришилмоқда. Масалан, маданият марказлари томонидан ўтган йил давомида 307 та маданий-маърифий ва оммавий тадбирлар ташкил этилди. Бу оммавий тадбирлар билан 38415 нафар ёшлар қамраб олинди.

Туман маданият ходимлари ҳар бир чиқишларининг бадий савиясини кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун улар ўз малака ва маҳоратларини ошириш устида, ижодий баркамолликка эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шу боис, соҳада фаолият юритаётган малакали кадрларни кўпайтириш, уларнинг олий маълумотга эга бўлишларини таъминлаш борасида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бугунги кунда 8 нафар маданият ходимлари олий таълим муассасаларининг сиртки таълим шаклида тахсил олиб келмоқдалар.

Томошалар ўз самарасини бермоқда. 2023 йил мобайнида Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

Мақомидан Маданият бўлими томонидан 20,2 млн. сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Шофирконнинг 40-сонли маданият маркази Қалмоқон МФЙ Ф. Ҳўжаев кўчаси 34-уйда жойлашган.

қил этади. Яъни 17 та доира, 10 та рубоб, 5 та гижжак, 2 та най, 14 дутгор, 5 танбур 1 та тапла, 1 та жамланма овоз кучайтириш воситалари мавжуд. Бу чолгу воситалари ва асбоб-ускуналар санъат турлари билан бевосита шуғулланиш ва машқ қилиб маҳорат сирларини эгаллаш имконини беради.

Тумандаги 40-сонли Маданият маркази қошида 1992 йилда "Халқ" театри" ташкил этилган. 1994 йил "Халқ" мақомини қўлга киритган театрда 2 нафар ижодий ходим, 13 нафар ҳаваскорлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

"Халқ театри" жамоаси томонидан тумандаги мактабга таълим ташкилотларида пуллик хизмат кўрсатиш одат тусига кирган. Шунингдек, туман доирасида фаолият юритадиган 41-сон "Нуррафшон" маданият маркази, 42-сон "Мустақиллик" маданият маркази, 43-сон "Нихол" маданият марказида ҳам шу сингари ижодий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳар бир марказнинг ўз фаолият доираси мавжуд.

Мазкур туманда 44-сон "Нурли йўл" кўзи ожизлар махсус маданият маркази ҳам мавжуд. Марказ туманининг Мухтор Ашрафий кўчасида жойлашган. Ушбу маданият маркази биноси 1947 йилда махсус лойиҳа асосида хом ғишдан қурилган. Демак, ушбу марказ узоқ йиллардан буюн туман аҳолисига хизмат қилиб келмоқда. Ушбу маданият марказида драма, миллий эстрада, Болалар фольклори ва бадий ўқиш тўғарақлари бор. Уларга 73 нафар ёшлар жалб қилинган.

Туман маданият маркази тизимида ташкил этилган халқ мақомига эга ҳаваскорлик жамоаларининг 2024 йилги репертуар режалари туман ҳамда вилоят Маданият бошқармаси томонидан ҳар йили қайта кўриб чиқилиб, тасдиқдан ўтказилади. Бундан асосий мақсад – аҳолининг, айниқса, ёшларнинг маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини ошириш ва уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишда иборатдир. Шу мақсадда 40-сон маданият маркази қошида ташкил этилган "Халқ" театри жамоаси томонидан Ф. Хожиев қаламига мансуб "Она меҳри" драмаси тумандаги умумтаълим мактаблари корхона ва ташкилотларга намойиш этиш учун саҳналаштирилмоқда. Туман маданият ходимлари ёш истеъдодларни излаб топиш ва уларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.

Шермат ФАЙЗИЕВ, Шофиркон туман Маданият бўлими бошлиғи.



IMKONIYAT
IJTIMOIY-SIYOSIY,
HUQUQIY VA MADANIY GAZETA
Муассис:
Ўзбекистон Нотрионлар ассоциацияси

Бош муҳаррир
Узукжамол НАЗАРОВА

Тахрир ҳайъати:
Аҳмад Икромов, Озодбек Назарбеков, Акмал Саидов, Ойбек Исоқов, Жамшид Обрўев, Светлана Ортиқова, Камолиддин Ишанхўжаев, Усмон Азим, Рашид Раупов, Тўраҳўжа Эрхўжаев.

2023 йил 19 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва коммуникациялар агентлигида 132096-руқам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 275. Ҳажми — 2 босма тобук. Қоғоз бичими — А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

"Imkoniyat" дан